

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 3

Зарафшон шаҳри

28 02 2025 йил

ЯТТ „Бадриддинова Н“ (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг устави (низом, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Раҳбари (вазифаси, фамилияси, исми) номидан Бадриддинова Н, бир томондан Зарафшон шаҳар ҳокимлиги (корхона, таъкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг устави (низом, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Н.Раҳманов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартноманинг предмети

1.1. Сотувчи ўзига тегишли товар(маҳсулот)ни Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
	Қоғоз А4 (SvetoCopy)	Пачка	100	50 000	5 000 000
	Жами:	Х	Х	Х	5 000 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси: 5 000 000 (Беш миллион) сўм

2. Товар (Маҳсулот)ни етказиб бериш муддати ва тартиби

- 2.1. Товар (маҳсулот)нинг етказиб бериш муддати «31» декабрь 2025 йилгача
- 2.2. Товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати ҳар бир маълум тўплам бўйича келишилади.
- 2.3. Товар (маҳсулот)ни сотувчи ўз транспортларида етказиб беради.
- 2.4. Транспорт харажатлари сотувчи томонидан амалга оширилади.
- 2.5. Етказиб бериш санаси бўлиб, товар (маҳсулот)нинг сотиб олувчи омборига келиб тушиш санаси ҳисобланади.

3. Тўлов тартиби

- 3.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 5 000 000 (Беш миллион) сўмини таъкилот этади.
- 3.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун 30 фоизини олдиндан тўловни амалга оширади.
- 3.3. Тўлов шакли ҳисоб-китоб нақд пулсиз пул қўчириш йўли билан амалга оширилади.

4. Товар (Маҳсулот)нинг сифати

- 4.1. Сифат товар (маҳсулот)ларнинг ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
- 4.2. Сотувчи тўпламда яроқсиз маҳсулот мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 15 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.
- 4.3. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.
- 4.4. Ишлаб чиқаришга оид нуқсонлари аниқланганлиги муносабати билан Сотиб олувчи томонидан қафолатли муддат доирасида қайтарилган товар (маҳсулот)лар Сотувчига қайтариб берилиши лозим, бунда Сотувчи уларнинг қийматини тўлиқ қоплаб бериши ёки Сотиб олувчи билан келишган ҳолда 5 кун ичида яроқсиз товар (маҳсулот)ларни сифатли товар (маҳсулот)ларга алмаштириб бериши керак.

5. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

- 5.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига қўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 5.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта иноватга олиниши зарур.
- 5.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати

7.1. Шартнома тарафлар имзо ва уз мухрлари билан тасдиқлаб . Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-594 га асосан шартнома тегишли тартибда газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва «31» декабр 2025 гача амалда бўлади.

7.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

7.3 Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;

- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

8.Форс-Мажор ҳолатлари

8.1. Томонларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар оқибатида томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартнома шартларини бузиш деб ҳисобланмайди.

8.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилаётган ҳолатлар ва уларнинг таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

8.3. Форс-мажор ҳолатларини важ қилиб келтираётган тараф уларнинг тасдиғи сифатида ваколатли давлат органининг тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.

8.4. Томонларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар сифатида қуйидагилар назарда тутилади:

8.4.1. Енгиб бўлмас куч сифатида табиий офатлар;

8.4.2. Янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари;

9. Низоларни ҳал қилиш

9.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

9.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

9.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Навоий вилояти Иқтисодий судида ҳал қилинади.

10. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.

10.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

10.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

10.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;

- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;

- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

10.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларида пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

10.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

10.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир етилганда ушбу ҳаракат содир етилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор

етишмайдиغان далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

11. Бошқа шартлар

11.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала Тарафлар орқали имзоланиши керак.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Таъминловчи»

«Истеъмолчи»

" АТТ Бадриддинова қорғица
муқовило
(ижрочининг номи)

Манзили: Чолокўча 28-мозон

тел\факс: 93-734-14-14

х\р: 20218000905127598001

Банк номи: Ақтоса банк Зарафшон 91

МФО 00103 ИНН 518615317

ОКОНХ:

т.шар: 40707825850013

Рахбар:

(Ф.И.Ш.)

Бадриддинова Н.

(ИМЗО)

(бюджет маблағларини олувчи номи)

манзили: Марказий банк 1-уч

тел\факс: 573-14-015

ш\хв: 100072860124087011505018003

бюджетдан маблағ олуви СТИРн: 200010211

ОКОНХ: _____, ОКЭД: _____

Ҳазначилик бўлим номи: Зарафшон шаҳар

Ҳазначилик бўлими СТИРн: 201122010

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. Бош

бошқармаси ХККМ МФО: 00014

Рахбар: _____ (Ф.И.Ш.)

Н. Раҳманов

(ИМЗО)

Шукров т.



NAVOIY VILOYATI ZARAFSHON SHAHAR HOKIMINING
FARMOYISHI

2025-yil 12-fevral

31-5-78-F/25

Zarafshon shahar hokimligi


“Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 6-moddasi, O'zbekiston Respublikasi Budget kodeksining 73-moddasi, shahar obodonlashtirish boshqarmasining 2025-yil 5-fevraldagi 01-07/29-son, shahar maktabgacha va maktab ta'lim bo'limining 2025-yil 10-fevraldagi 06/24-son xatlari hamda shahar hokimligi bosh hisobchisi Q. Xidirovning bildirgilariga asosan:

1. Shahar iqtisodiyot va moliya bo'limi (N. Xolov) shahar mahalliy budgetining xaraj mablag'lari hisobidan ilovaga asosan 147,5 mln (bir yuz yetti million besh yuz ming) so'm mablag' ajratgan.

2. Shahar g'aznachilik bo'limasi rahbari (B. Oripov), shahar obodonlashtirish boshqarmasi (N. Kiyamov), shahar maktabgacha va maktab ta'limi bo'limi (M. Tursunova) va shahar hokimligi bosh hisobchisi (Q. Xidirov) ajratilgan mablag'dan maqsadli va samara qayd qilinishini ta'minlasin.

3. Ushbu farmoyishning ijrosini nazorat qilish shahar hokimligining birinchi o'rinbosari iqtisodiyot va moliya bo'limi boshlig'i A. Shoxmirzayev zimmasiga yuklansin.

Shahar hokimi



N.Rahmanov

Zarafshon shahar hokimining
2025-yil 12-fevraldagi
31-5-78-F/25-son farmoyishiga
ilova

T/r	Muassasa nomi	Maqsadi	Summasi (ming so'mda)
1.	Shahar obodonlashtirish boshqarmasi	shahar obodonlashtirish boshqarmasiga kerakli xo'jalik mollari (chelak, supurgi, belkurak, ketmon va boshqalar) sotib olish xarajatlari	10 000,00
2.	Shahar maktabgacha va maktab ta'limi bo'limi	ta'mirlash ishlari amalga oshirilayotgan 16-sonli davlat maktabgacha ta'lim tashkilotiga yangi eshiklar sotib olish xarajatlari	40 000,00
		shahar hokimligi moddiy-texnik bazasini rivojlantirish (konditsioner) xarajatlari	6 000,00
		shahar hokimligi moddiy-texnik bazasini rivojlantirish (kompyuter va printer) xarajatlari	33 000,00
3.	Shahar hokimligi	Zarafshon shaharida xatlov (migratsiya shtabi va xotin-qizlar shtablar uchun) o'tkazish maqsadida 30 000 dona blank sotib olish xarajatlari	7 500,00
		3 dona ititish xatareyasi sotib olish xarajatlari	2 500,00
		shahar hokimligiga kanselyariya mollari va qog'oz mahsuloti sotib olish xarajatlari	8 500,00
	JAMI:		107 500,00